

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ



**TOSHKENT DAVLAT
AGRAR UNIVERSITETI**

ЎЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ:
МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Республика илмий-услубий конференция
материаллари тўплами



Ўзликсиз таълим: муаммо ва ечимлар

*Байдуллаев Абдурахман Серикович
Тошкент фармацевтика институти катта ўқитувчиси*

ЭЛЕКТРОН ДАРСЛИКЛАР ЯРАТИШНИНГ УМУМИЙ МАСАЛАЛАРИ

Калит сўзлар ва иборалар: *электрон дарсликлар, Электрон маҳсулот, масофавий ўқитиш технологиялари, Мультимедиа ўргатувчи дастурлар*

Ахборот асрида инсоният тарихида саноат ва фан оламида оламшумул ютуқлар қўлга киритилди. Дунёда ахборот энг қиммат нарсага айланди. Компьютер ихтиро қилиниши инсонлар бажарадиган юмушларни енгиллаштиришга олиб келди. Фан, таълим соҳаларида ўқитиш ўрганишнинг замонавий воситалари жорий қилинди.

Таълим жараёнини ахборотлаштиришда ҳамда ахборот технологиялари асосида билим олиш даражаси сифатини ошириш борасида сўнгги йилларда кучли ўзгаришлар юз бермоқда. Бу ўзгаришларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 майдаги Фармони ва унга асосан, Вазирлар Маҳкамасининг "Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ахборот - коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 6 июндаги қарори асос бўлди. Унда жумладан, таълим сифатини ошириш мақсадида стандартларига мувофиқ электрон ўқитиш ахборот базасини яратиш вазифаси юклатилган.

Таълим олиш сифати - комплекс тушунча бўлиб, бир қатор кўрсаткичлар билан характерланади. Уни шакллантиришда бошланғич манбалар (яъни, китоблар қўлланмалар, лугатлар, маълумотномалар ва х.к.) шунингдек, ўрта (педагогик технологиялар, ўқув жараёнини ташкил этиш) ва нихоят, таълим бериш субъекти - ўқитувчи иштирок этади. Янги ахборот-педагогик технологияларнинг ёрқин намоёнаси бўлган электрон дарсликлар муҳим ўрин эгаллайди. Улар замонавий ахборот технологияларнинг маҳсули ҳисобланиб, таълим сифатини оширишга ёрдам беради. Электрон дарсликлар таълим олишнинг янги шакли бўлган масофавий ўқитишнинг методологик асоси ҳисобланади. Сўнгги йилларда электрон дарсликлар ҳақидаги тушунчалар турлича таҳлил этилмоқда. Масалан, дискетлардаги матн ва ўқув материаллари, бирор бир тақдирот ва ҳоказолар. Шунинг учун, электрон дарсликлар билан боғлиқ асосий тушунчаларни аниқлаб олиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

Электрон маҳсулот - график, матн, рақам, овоз, мусика, видео, фото ва ахборот кўринишларининг мажмуаси ҳисобланади. Электрон маҳсулот турли электрон манбаларда - магнит шаклда (магнит лента, магнит диск ва бошқа) оптик шаклдир. (CD-ROM, DVD ва бошқа) ва электрон компьютер тармоғида (INTERNET) нашр этилган ҳолда бажарилган бўлиши мумкин. Ўқув электрон маҳсулот-билимларнинг муайян илмий-амалий соҳаси

бўйича системали материаллардан иборат бўлиб, талаба ва ўқувчиларнинг шу соҳадаги зарур билим ва амалий кўникмаларни ижодий ва фаол тарзда ўрнаттиришнинг таъминлади. Ўқув электрон маҳсулот юқори бажарилиш сифати ва баддий шакллантирилиши, ахборотнинг тўлаллиги, услубий инструментларнинг сифати, техник бажарилиши сифати, очиклиги, мантқ ва улаш кетма-кетлиги билан ажралиб туриши керак.

Таълим тизимини услубий ва дастурий таъминотга йўналтирилган илмий тадқиқот ишларида ўқув жараёнини ташкил этиш ўтказиш ва бошқаришни автоматлаштиришда электрон таълим ресурслари марказини ташкил этиш муҳим аҳамият касб этиши таъкидланади [2, 3].

А. П. Тихомиров, В. И. Солдаткинларни фикрига кўра чет мамлакатлар таълим тизимида кечаётган жараёнлар таҳлили шуни кўрсатдики, ўқитиш тизими эволюцион характерга эга бўлиб, масофавий ёки компьютерли ўқитиш технологияси классик таълимдан виртуал таълимга ўтади [1].

Шунингдек, тадқиқотларда ўқув жараёнига информацион биринчи навбатда масофавий ўқитиш технологияларини қўллаш таълим самарадорлигини сезиларли даражада оширишга, ўқитиш вақтини қисқартиришга эришиш мумкинлиги асослаб берилди.

Замонавий ахборот технологияларининг ривожланиши таълим жараёнини масофадан туриб ташкил этиш, бошқариш, назорат қилиш имкониятларини оширади. Натижада масофали таълим компьютерли таълимнинг энг етакчи макомини ола бошлади [9].

Н. А. Муслимов электрон воситалари ёрдамида ўқитишни талабаларнинг мустақил билим олиш тамойилига ва ўрганиладиган асосий ўқув материалларини таълим олувчига етказишни таъминловчи ахборот технологиялари мажмуига таянган янги таълим жараёни тузилмаси сифатида таърифлайди [49].

Қ. Т. Олимов томонидан электрон дарсликларни яратиш тамойиллари уларга қўйиладиган педагогик, психологик, услубий, санитария гигиеник талаблар ишлаб чиқилган [52].

Россия тадқиқотчилари томонидан 7 та банддан иборат электрон таълим ашёлари синфи ишлаб чиқилган. Ушбу классификацияга мувофиқ 33 % ўқув услубий, 34 % ўргатувчи ва фақат 23 % дастурий электрон таълим ресурсларидир. Ушбу электрон ресурслар фақат ўқитувчи учун мўлжалланган [26].

Қозоқистон тадқиқотчилари электрон нашрларни қуйидаги тоифаларга ажратадилар.

1. Электрон ўқув нашрлари – ўқув дастурига мос келувчи турли маърузалар, семинарлар, лаборатория ишлари ва кейс технологиялар.
2. Мультимедияли ўргатувчи дастурлар – анимация ва товушли кузатувчи ўқув курслари.
3. Электрон дарсликлар – ўқитишни автоматлаштиришга мўлжалланган электрон ўқув нашри.

4. Электрон ўқув қўлланмалар – фаннинг алоҳида бўлимлари, машқлар ёки масалалар тўплами, маълумотнома ва бошқалар [10].

Д. Сайфулов фикрича электрон ўқув адабиётлари анъанавий ўқитиш шакллари камчиликларини бартараф этиш имконини беради [68].

Кейинги йилларда электрон ўқув адабиётларини яратиш ва электрон лугатли-маълумотли материалларни ишлаб чиқиш кескин ривожланди. Электрон ўқув нашрларни тармок орқали тарқатиш имконияти яратилди. Электрон ўқув адабиётларининг яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, ундаги ўқув материалли, тасвирий материаллар эскирмайди ва емирилмайди, сақлаш учун кўп майдон ва ҳажмин талаб этмайди. Электрон ўқув адабиётларни яратиш босма нашрлардан кўра сезиларли даражада ошиб бормоқда. Статистик маълумотларга кўра жаҳон миқёсида босма маҳсулотларни ишлаб чиқариш 60-70 % дан 35-50 % га камайди. Электрон нашрлар ишлаб чиқариш ҳажми 25-30% га ортди.

Узликсиз таълим тизими учун электрон дарслик яратиш катта маҳорат талаб қиладиган ва узок давом этадиган жараён ҳисобланади. Электрон дарсликлар таълим жараёнида яхши самара бераётган ва уларга катта эҳтиёж сезиладиган ҳозирги кунда махсус фанлар учун бундай воситаларни яратиш давр талаби бўлиб қолди. Шу боис ҳам республикамизда айни даврда электрон ўқув адабиётларини яратиш жараёни ривожланиб бормоқда.

Ҳозирга қадар электрон дарсликларни яратиш технологиясига оид тадқиқотлар олиб борилган, аммо электрон дарсликларни яратиш ва амалда жорий этиш жараёнини ташкил этиш ва бошқариш жиҳатлари етарли даражада ўрганилмаган.

Яратилаётган электрон ўқув адабиётлари ўқитишнинг дидактик тамойилларига, ўқув материалларининг бир тизимлилигига, билимларнинг кетма-кет ва узвийликда узатилишига асосланиши лозим.

Ҳар бир электрон ўқув адабиёти ўқувчилар ёшига, фаннинг ўқув дастурига мос бўлиши, мавзулар тўла ёритилиши, фанлараро боғлиқлик, ўқув фани мавзуларга мос дизайнлар танланиши, фанга нисбатан қизиқишнинг орттириши, таълимда самарадорликка эришилишига хизмат қилиши лозим.

Электрон ўқув адабиётлар қуйидаги афзалликларга эга:

- Матн териш харажатларини камайтиради;
- Чоп этиш, сақлаш ва тарқатиш харажатларидан халос этади;
- Маълумот керак бўлган жойдан дарҳол олинishi мумкин;
- Фақат зарур бўлганидагина босма кўринишида чиқарилиши мумкин.

Республикамизда электрон ўқув адабиётларини қандай йўлга қўйиш мумкинлиги борасидаги баъзи фикрлар ҳам келтирилган:

- Маҳаллий интернет узатувчиси ёрдамида телефон тармоғи орқали таълим муассасалари интернетга уланади;
- Оммабоп шаклда китоблардан фойдаланиш ва таҳлил қилиш учун «нашр этиш» воситаси сифатида интернет сайти яратилади;

- Муаллифлар дарслик ва ўқув қўлланмаларини компьютерда тайёрлайдилар;
- Тахрирдан сўнг китобда илова сифатида матнлар, расмлар ва хатто видео клиплар интернетга жойлаштирилиб берилиши мумкин;
- Матнларнинг электрон версияси тайёрланади;
- Интернет сайтида электрон дарсликни реклама қилиниши эвазига корхона ва ташкилотлар муаллифга ҳомийлик қилишлари мумкин.

Дарслик - ўқув фани, унинг бирор йўналиши ёки таркибий қисмининг давлат стандартларига ва ўқув дастурига мос ҳолда, юқори таълим муассасалари томонидан тасдиқланган системали равишда баён этилган ўқув маҳсулотдир.

Электрон дарслик - янги ахборот - компьютер технологиялари асосида ва юқори илмий ва методологик даражада яратилган Давлат Ўқув Стандарти мутахассисликлари ва йўналишларининг муаян ўқув фани (ёки бир неча фан)га тўла мос келган асосий ўқув электрон маҳсулот ҳисобланади.

Ўқув қўлланма - дарсликни қисман ёки тўла ўрнини босувчи, ёки тўлдирувчи ва қўлланма сифатида таълим муассасалари томонидан тасдиқланган маҳсулотдир.

Электрон ўқув қўлланма - дарсликни қисман ёки тўла ўрнини босувчи, ёки тўлдирувчи ва қўлланма сифатида таълим муассасалари томонидан тасдиқланган электрон маҳсулот ҳисобланади.

Гипертекст - электрон шаклда ва тармоқланган алоқалар системаси билан таъминланган матн бўлиб, матннинг бир жойидан бошқа жойга бир зумда ўтиш вазифасини бажаради.

Электрон дарслик бўлими - анъанавий дарсликнинг бобларига ўхшаш ўқув фанининг ҳар хил соҳаси.

Электрон дарслик модули - анъанавий дарсликнинг мавзулари ёки параграфларига ўхшаш, ўқув фани бўлимларининг ташкил этувчиси. Виртуал устахоналар ва лаборатория стендлари - устахона жихозлари ва лаборатория стендларининг компьютер-имитация модули.

Ахборотнинг электрон ташувчиси - ахборотни рақамли шаклда сақлаш ва узатишнинг махсус қурилмаси (дискеталар, CD-диск ва бошқалар).

Электрон дарслик характеристикалари. Таълим тизимини янги замонавий даражадаги босқичга ўтишни фақатгина компьютер ўқув воситалари (яъни, электрон дарсликлар, қўлланмалар, тренажерлар, виртуал стендлар ва ўқув тест муҳаррири)ни яратган ҳолдагина амалга ошириш мумкин. Улар ўқув юрти махсус аудиторияси учун компьютер сифатидаги амалий машғулотларда ёки талабалар мустақил ишлаши учун жихозланган ётоқхоналарда, шунингдек уйлардаги шахсий компьютерда ягона компьютерлашган муҳитни яратади. Келтирилган электрон маҳсулотлар, дарсликлар ва қўлланмаларининг расмий таърифига асосан, электрон дарсликлар тушунчасини кенгайтириш ва аниқлаштириш зарур.

Электрон дарслик (хатто, энг яхшиси ҳам) китобни ўрнини эгалдай олмайди ва эгаллаши керак ҳам эмас. Бирор бир асарни экранлаштириш янги жанр ҳисоблангани сингари, электрон дарслик ҳам ўқув адабиётининг мустақил жанри ҳисобланади.

Электрон дарслик ўқув жараёнида оддий дарсликдан кўра инсон миясининг қабул қилиш воситаларини (товуш, эмоционал хотира, компьютер тестлар) жалб этиб, энг асосий тушунча ва мисолларни тушуниш ва ёдга олиш жараёнларини максимал енгиллаштириш учун хизмат қилиши керак. Матн қисми чегараланган бўлиши керак - чунки бунинг учун оддий дарсликлар мавжуд, компьютердан олинган материалларни чуқурроқ ўзлаштириш учун эса коғоз ва қаламлар хизмат қилиш керак. Шунинг учун, электрон дарсликлар яратиш жараёнида бир неча принципларга амал қилаш зарур.

Адабиётлар:

4. Абросимов А.Г. Теоретические и практические основы создания информационно-образовательной среды вуза. Самара: Изд-во Самар. гос. экон. акад., 2003. 204 с.
5. Агибова И.М., Куликова Т.А. Самостоятельная работа студентов: типы, виды, классификации // Вестник Ставропольского государственного университета, 2010. №71(6). С. 221-227.
6. Андреев В.И. Эвристическое программирование учебно-исследовательской деятельности: метод пособие. М.: Высш. школа, 1981. 240 с.
7. Абдукаримов М., Ганмназаров О.Г. Касб-хунар коллежларида дарсин ахборот технологиялари воситалари асосида ташкил этиш // “Ўрта махсус касб-хунар таълими тизими учун педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш сифатини таъминлашнинг илмий-услубий асослари” респ. ил.-амалий конф. материаллари. –Т., 2006. –Б. 25-26.
8. Архангельский С.И. Учебный процесс в высшей школе, его закономерные основы и методы. М.: Высшая школа, 1980. 380 с.
9. Байденко В. Компетенции в профессиональном образовании (К освещению компетентностного подхода) // Высшее образование в России. – 2004. – №11.
10. Башмаков, А.И., Разработка компьютерных учебников и обучающих систем / А.И. Башмаков, И.А Башмаков. – М.: Флинт, 2003., – 616 с.
11. Белая О.П., Горовая В.И. Управление инновационными процессами в высшей школе. Ставрополь: Изд-во СГУ, 2010. 140с.